

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ  
2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИ 3- ЙИҒИЛИШИ  
БАЁНИ**

**2021 йил 1 ноябрь  
Катта йиғинлар зали**

**Бухоро шаҳри  
соат 16:00**

Бухоро давлат университети кенгашининг 2021-2022 ўқув йилининг 3-йиғилишини кенгаш раиси, университет ректори, и.ф.д., профессор О.Х. Хамидов очиб берди.

Кенгаш раиси бугунги 3 - кенгаш йиғилишида 74 нафар кенгаш аъзосидан 70 нафари иштирок этаётганлигини, 4 нафар кенгаш аъзоси сабабли бугунги кенгашда иштирок этмаётганлигини маълум қилиб, йиғилишни очиш тўғрисидаги масалани кенгаш аъзолари ҳукмига ҳавола этди. Кенгаш аъзолари йиғилишни очиқ деб қабул қилишни бир овоздан маъқуллашди.

Шундан сўнг, кенгаш кун тартиби ўқиб эшиттирилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Университет жамоаси билан амалга ошириладиган масалалар йўналиши бўйича:**

1. Университетда таълим сифатини юқори даражага кўтариш бўйича давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган ва режалаштирилган ишлар, хорижий ҳамкорлар билан учрашувлар, галдаги вазифалар тўғрисида

**(Ректор О.Х. Хамидов)**

**II. ТСНҚБ бўйича:**

2. 2021 йил 9 ойдаги рейтинг кўрсаткичларининг факультетлар ва кафедралар бўйича таҳлили ҳақида.

**(ТСНҚБ бошлиғи М.Й.Эргашов ахбороти)**

**III. Илмий ишлар ва инновациялар йўналишлари бўйича:**

3. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олиб, кейинги 10 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган педагогик ходимлар тўғрисида *(Докторантурани сўнгги 10 йилда тугатиб, ҳимоя қилмаган педагог-ходимларнинг ҳисоботлари)*

**(Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С.Қаҳҳоров ахбороти)**

**IV. Халқаро ҳамкорлик бўйича:**

4. Олий таълим тизимида ҳамкорлик масалалари ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида хорижий сафарга чиққан профессор ўқитувчиларнинг ҳисоботлари тўғрисида

**(Халқаро ҳамкорлик бўйича хорижий сафарда бўлган профессор - ўқитувчилар ахбороти)**

**V. Ходимлар бўлими йўналиши бўйича:**

5. Университетда тьюторлик лавозимини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида.

**(Ходимлар бўлими бошлиғи У.А.Файзиева ахбороти)**

**VI. Жамоатчилик кенгаши фаолияти бўйича:**

6. КҚК Агентлигининг 2021 йил 18-октябрдаги 01-07/6859-сонли хати ижроси юзасидан БухДУ ректорининг 2021 йил 20-октябрдаги 428-У-сонли буйруғи ҳақида.

**(Коррупцияга қарши курашиш “Копмлаэнс назорат” тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Ё.Қ.Қулиев)**

**VII. Тўрли масалалар.**

7.1. Университет профессор-ўқитувчиларининг аттестация хужжатларини ОАК Низом талаблари асосида илмий унвонларга тавсия этиш ҳақида

**(Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С.Қаҳҳоров ахбороти)**

7.2. Университетнинг педагог ходимлари томонидан тайёрланган ўқув қўлланмаларни вазирлик грифини олишга тавсия бериш тўғрисида.

**(Ўқув-услугий бошқарма бошлиғи Р.Ғ.Жўмаев ахбороти)**

7.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорларнинг илмий-ижодий ишларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида

**(У.М. Халикова иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи)**

7.4. 2021/2022 ўқув йили қабул жараёнларида йўл қўйган камчиликлари учун тегишли маъсулларга берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида

7.5. Хорижий профессор-ўқитувчиларни дарс бериш мақсадида университетга жалб қилиш масалалари тўғрисида

7.6. Ўқув-услугий бошқарма фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида психология (фаолият турлари бўйича) йўналишида таълим олаётган талабаларни 0,5 ставкага услубчи лавозимига ишга тавсия этиш тўғрисида

Кенгаш раиси кун тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлигини маълум қилиб, кун тартибини тасдиқлаб беришни овозга қўйди. Кенгаш аъзолари кун тартибини бир овоздан маъқуллашди ҳамда масалалар муҳокамаси регламенти белгилаб олинди.

## **КУН ТАРТИБИ БЎЙИЧА МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА ЎТИЛДИ**

### **I. Университет жамоаси билан амалга ошириладиган масалалар йўналиши бўйича:**

1. Университетда таълим сифатини юқори даражага кўтариш бўйича давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишлар, галдаги вазифалар тўғрисида

**ЭШИТИЛДИ: О.Х. Хамидов** (университет ректори, кенгаш раиси) Университет нуфузини янада ошириш, таълим сифатини юқори даражага кўтариш мақсадида давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишлар, хорижий ҳамкорлар билан учрашувлар, галдаги вазифалар тўғрисида кенгаш аъзоларига таҳлилий маълумотлар берди.

Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда университетнинг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш, давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли эътиборига етказилишини таъминлаш, ҳудудларни, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг кенг муҳокамасида фаол иштирок этиш, инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар ишлаб чиқиш, етакчи мутахассислар, фаол тадбиркорлар билан долзарб масалаларда семинар

ва давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб бориш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий-амалий изланишларни олиб бориш, уларнинг ижросини назорат қилиш каби йўналишлар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ҳар бир бўлим ва ҳар бир йўналиш маъсулларига тегишли вазифалар белгилаб берилди. Университетда таълим-тарбия сифатини янада ошириш, талабаларнинг дарс жараёнларига фаол иштирокини тўлиқ таъминлаш, борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйиш, факультет маъсулларининг эътиборини кучайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

1. Университет ректори, кенгаш раиси О.Х. Хамидовнинг “Университет нуфузини янада ошириш, таълим сифатини юқори даражага кўтариш мақсадида режалаштирилган ишлар, галдаги вазифалар тўғрисида” ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Университет нуфузини янада ошириш, таълим сифатини юқори даражага кўтариш мақсадида белгиланган вазифалар барча профессор-ўқитувчиларга етказилсин.

3. Мазкур қарорларнинг ижро назорати ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б. Р.Ғ. Жумаев зиммасига юклатилсин.

## **II. ТСНҚБ бўйича:**

**1. 2021 йил 9 ойдаги рейтинг кўрсаткичларининг факультетлар ва кафедралар бўйича таҳлили ҳақида.**

**ЭШИТИЛДИ: М.Я. Эргашов** (ТСНҚБ бошлиғи) 2021 йил 9 ойдаги рейтинг кўрсаткичларининг факультетлар ва кафедралар бўйича таҳлили бўйича таҳлилий маълумот берди.

2021 йил якунига ҳам жуда оз вақт қолди. 9 ой муддат ўтди. Энди сувдан ғалбирни кўтариш вақти келди. 9 ой давомидаги фаолиятимизда университет рейтингини республика олий таълим муассасалари ўртасида кўтаришда нима ишларни амалга оширдик, қайси соҳада ютуқларга эришдик, қайси параметрлар бўйича кўрсаткичларимиз паст, қайси соҳада камчиликларимиз борлигини таҳлил қилишимиз ва қолган 3 ойда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларни белгилашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 467-сон «Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 13-сон ва 35-қ/қ қўшма қарорига асосан «Олий таълим муассасалари рейтингини ҳисоблаш методикаси» тасдиқланди.

Шу асосда кафедра ва факультетлар ҳамда университетнинг 2021 йил 9 ойлик фаолияти рейтинг кўрсаткичлари аниқланди. Тегишли маълумотлар айрим кўрсаткичлар бўйича (асосан, дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМларнинг PhD ва DSc илмий даражасини олган профессор-ўқитувчилар сони, дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМларда ўқув машғулоти ўтказган профессор-ўқитувчилар сони, фан доктори (DSc) илмий даражаси ёки профессор унвонига эга профессор-ўқитувчилар, фан номзоди (PhD) илмий даражаси ёки доцент унвонига эга профессор-ўқитувчилар улуши, халқаро кўрсаткичлар маълумотларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолаларига иқтибослар, халқаро журналлардаги илмий мақолалар сони, дарсликлар сони, халқаро семинарларда, илмий ёки таълим лойиҳаларида (хорижий, қўшма) иштирок этган талабалар сони, халқаро олимпиадаларда ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофотларга сазовор бўлган талабалар салмоғи ва ҳ. к.) эътиборларингизга ҳавола этилади. Маълумотлар 38 та кафедра ҳисобидан таҳлил қилинган.

1-жадвалда университетнинг 2017, 2018, 2019, 2020 ҳамда 2021 йил 9 ой давомидаги рейтинг кўрсаткичларининг қиёсий маълумотлари келтирилган (1-жадвал маълумотларига қаранг).

### **2021 йил 9 ойдаги рейтинг кўрсаткичларининг факультетлар ва кафедралар бўйича таҳлили**

#### **1.1. Нуфузли 1000 таликка кирувчи ОТМларда PhD (фалсафа доктори ёки фан номзоди) ёки DSc олган профессор ўқитувчилар**

**2021 йилда 7 нафар**, жумладан, 4 нафари физика-математика, 2 нафари иқтисодиёт ва туризм, 1 нафари филология факультетига фаолият олиб бораётдилар. 2020 йилда бу кўрсаткич 6 нафар эди. Бу йил Миллий тадқиқот ядро университетини тугатган Авезов Исмоил Ёшузок ўғли ишга қабул қилинди. Шу ҳисобдан нуфузли 1000 таликка кирувчи ОТМларда PhD (фалсафа доктори ёки фан номзоди) ёки DSc олган профессор ўқитувчилар сони 7 нафар бўлди. БухДУнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича 2021 йилда кафедралар томонидан амалга ошириладиган ишлар режасида (4-банд) университет бўйича 15 нафарга етказилади деб режалаштирилган эди. Бошқа факультетларда бу кўрсаткич 0 га тенг (2-жадвал)

#### **1.2. Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМларда ўқув машғулотлари (маърузалар, амалий машғулотлар, семинар-тренинглар) ўтказган профессор-ўқитувчилар**

**2021 йилда 6 нафар**, шу жумладан 1 нафари Иқтисодиёт ва туризм факультетидан (Наврўззода Б.Н.- Жанубий федерал университети Олий бизнес мактаби), 1 нафари жисмоний маданият факультетидан (Маъмуров Баҳодир –Москва давлат университети), 4 нафари филология факультетидан (Ш.Ахмедова, Б.Жўраева, Л.Шарипова, Н.Қодирова - Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институти) (3-жадвал). Университет ректорининг буйруғи ва халқаро шартнома асос бўлувчи ҳужжат ҳисобланади.

Бошқа факультетларда ушбу банд бўйича ишлар амалга оширилмаган. Лекин режада дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМларда ўқув машғулотлари (маърузалар, амалий машғулотлар, семинар-тренинглар) ўтказадиган профессор-ўқитувчилар 50 нафар кўрсатилган. Фақат чақирикқача ҳарбий таълим факультетида режага киритилмаган. Қолган кафедралар режасида бўлса-да бажарилмаган.

#### **1.3.1. Фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки профессор унвонига эга ПЎлар улуши**

Ҳисобот йилининг 9 ойи давомида ўтган йилга нисбатан фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар **4 нафарга** ошди, яъни **44 нафарни** ташкил этди (4-жадвал).

#### **1.3.2. Фан номзоди (PhD) илмий даражасига ёки доцент унвонига эга ПЎлар**

Фан номзоди (PhD) илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар эса **33 нафарга** ошган, яъни **228 нафарни** ташкил қилди.

#### **1.4. Ҳисоб йилида (2021) диссертация ҳимоялари сони**

Университетда 9 ой мобайнида **4 нафар** профессор-ўқитувчи (DSc) илмий даражага ҳамда **38 нафар** профессор-ўқитувчи фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган. Кафедралар кесимида аниқланганда, Ислом тарихи ва манбашунослик, фалсафа кафедрасидан 2 нафар, дифференциал тенгламалар кафедрасидан 2 нафар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедрасидан 3 нафар, ўзбек тилшунослиги кафедрасидан 3 нафар, инглиз тилшунослиги кафедрасидан 3 нафар, инглиз адабиётшунослиги кафедрасидан 3 нафар, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасидан 3 нафар, Бухоро тарихи кафедрасидан 2 нафар, технологик таълим кафедрасидан 2 нафар, немис ва француз кафедрасидан 2 нафар профессор-ўқитувчилар фалсафа доктори (PhD) илмий

даражасига эришган. Ҳисобот йилида ҳимоя қилган профессор-ўқитувчилар **42** нафарни ташкил этди (5-жадвал).

### **1.5 Халқаро кўрсаткичлар маълумотларига кўра профессор – ўқитувчиларнинг илмий мақолаларига иқтибослар**

Халқаро кўрсаткичлар маълумотларига кўра профессор – ўқитувчиларнинг илмий мақолаларига иқтибослар ҳисобот даврида университет бўйича жами **20880,5** га тенг бўлди (2020 йилда бу кўрсаткич- **5231** эди). Энг кўп ихтибослик математик анализ кафедраси (3169,5), иқтисодиёт (2703), сервис соҳаси иқтисодиёти (1835,5), мусиқа таълими (1724,2), тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (1420), бошланғич таълим услубиёти (1231), туризм ва меҳмонхона хўжалиги (1212,6), бошланғич таълим назарияси (1097), ахборот технологиялари (975,43), амалий математика ва дастурлаш технологиялари (916,7), миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими (906), физика (784), факультетлараро жисмоний тарбия ва спорт (720,35), технологик таълим (668,8) кафедралари педагог-ходимлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам ихтибослик инглиз тилшунослиги (35,7), тупроқшунослик (36,1), немис ва француз тиллари кафедраси (40), гуманитар йўналишларда чет тиллар (47,1), чақириққача ҳарбий таълим (45), психология (55,4), инглиз адабиёти ва стилистика (59,5) кафедраларида кузатилди. **(6-жадвал)**

#### **1.6.1. Халқаро журналлардаги илмий мақолалар**

Халқаро журналлардаги илмий мақолалар сони университет бўйича **1301** тани ташкил этади. Жумладан, мактабгача ва бошланғич таълим факультети 167 та, хорижий тиллар факультети педагог-ходимлари томонидан 165 та, филология факультети профессор-ўқитувчилари томонидан 152 та, жисмоний маданият факультети 115 та, санъатшунослик факультети 111 та, педагогика 91 та, иқтисодиёт ва туризм факультети 110 та, агрономия ва биотехнология факультети бўйича 101 та, тарих ва маданий мерос факультети 89 та, физика –математика 71 та, табиий фанлар 64 та, ахборот технологиялари 51 та халқаро журналларда илмий мақолалар чоп этилган.

Кафедралар кесимида таҳлил қилинганда халқаро журналларда илмий мақолалар мусиқа таълими 95 та, рус тили ва адабиёти 82 та, бошланғич таълим методикаси кафедраси 79 та, биология 78 та, факультетлараро жисмоний маданият ва спорт 65 та, иқтисодиёт 50 та, туризм ва меҳмонхона хўжалиги 50 та, жисмоний маданият назарияси ва услубиёти 50 та, ўзбек тилшунослиги 48 та, бошланғич таълим назарияси кафедраси 47 та, психология 45 та, мактабгача таълим 41 та, экология ва география 36 та, математик анализ 35 та тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси 30 та, немис ва француз тиллари 30 та илмий мақолалар чоп этилган. Органик ва физколлоид кимё (10 та), сервис соҳаси иқтисодиёти (10 та), инглиз адабиётшунослиги (10 та) чақириққача ҳарбий таълим (8 та) кафедраларида халқаро журналлардаги мақолалар сони кам. Университет бўйича халқаро журналларда чоп этилган мақолалар сони **1301** тани ташкил этди. **(7-жадвал)**

#### **1.6.2. Республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар**

Хорижий тиллар факультетида 146 та, филология факультетида 122 та, иқтисодиёт ва туризм факультетида 78 та, тарих ва маданий мерос факультетида 75 та, педагогика факультетида 71 та, мактабгача ва бошланғич таълим факультетида 63 та, агрономия ва биотехнология факультетида 59 та, санъатшунослик факультетида 57 та, физика-математика факультетида 56 та, педагогика факультетида 53 та, табиий фанлар факультетида 48 та ҳамда агрономия ва биотехнология факультетида 39 та илмий мақолалар чоп этилган.

Кафедралар бўйича таҳлил қилинганда ўзбек тилшунослиги 59 та, факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси 43 та, рус тили ва адабиёти 43 та, Бухоро тарихи 40 та, педагогика кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан 39 та, биология 39 та, иқтисодиёт 35 та, инглиз тилшунослиги 34 та, математик анализ 30 та, мусиқа таълими 30 та, мактабгача таълим 28 та, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ва инглиз

тилшунослиги кафедралари 26 тадан, иқтисодиёт 25 та, туризм ва меҳмонхона хўжалиги 25 та, умумий ва ва ноорганик кимё 24 та, физика ва табиий йўналишларда чет тили 23 тадан, психология кафедраси 21 та ОАК рўйхатидаги журналларда илмий мақолалар чоп эттирган.

Ҳозирда Республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар сони университет бўйича **866** тани ташкил этади (2020 йилда университет бўйича ОАК рўйхатидаги илмий мақолалар сони **649** та эди). Лекин 2021 йил режасида **1913** та режалаштирилган. Режа университет бўйича **45,3 %** га бажарилган, холос.

Туризм ва меҳмонхона хўжалиги 25 та (режа -50 та), амалий математика ва дастурлаш технологиялари 21 та (режа - 48 та), Немис ва француз тиллари кафедраси 13 та (режа-56 та), дифференциал тенгламалар 13 та (режа -36 та), физика 13 та (режа-60 та), миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими 10 та (режа-45 та), гуманитар йўналишларда чет тили 11 та (режа-66 та) илмий мақола Республика илмий журналларида чоп этилган. **(7-жадвал маълумотларига қаранг)**. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Кафедра йиғилишларида йиллик режанинг бажарилишини ўқитувчилар кесимида муҳокама қилиб, IV –чоракда тегишли камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаб олиш керак.

### **1.7.1. Хорижий илмий тадқиқот марказлари грантлари ва хорижий илмий фондлари маблағлари**

2021 йилда талабалар учун грантлар, индивидуал (якка) тадқиқот учун грантлар, ёш олимлар учун грантлар, хорижга стажировкага юбориш учун грантларнинг сентябрь ойигача бўлган умумий қиймати **1 041 660 840** сўмни ташкил этади. Асосий ҳисса Иқтисодиёт ва туризм, Хорижий тиллар факультетларига тўғри келади. **(8-жадвал)**

### **1.7.2. Соҳалар буюртмалари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар**

2021 йилнинг 7 октябрь ҳолатида кафедраларда илмий тадқиқот ишларини бажарилиши юзасидан вилоятдаги турли ташкилотлар ва саноат корхоналари билан **348 та** (умумий суммаси **541,7** млн. сўм) фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, умумий тушум миқдори **409,7** млн. сўмни ташкил этмоқда. Университет бўйича белгиланган йиллик режанинг бажарилиш ҳолати **47,2 %** ни ташкил этади. Хўжалик шартномаларининг белгиланган режа асосида бажарилишини факультетлар кесимида таҳлилини кўрадиган бўлсак, натижалари қуйидагича:

**Санъатшунослик факультетида** белгиланган режа **126,3 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **69,5** млн сўмни ташкил этади.

**Табиий фанлар факультетида** белгиланган режа **85,7 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **43,7** млн. сўмни ташкил этади.

**Ахборот технологиялари факультетида** белгиланган режа **76,9 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **30,0** млн. сўмни ташкил этади.

**Физика-математика факультетида** белгиланган режа **70,1 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **40,6** млн. сўмни ташкил этади.

**Иқтисодиёт ва туризм факультетида** белгиланган режа **53,0 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **36,6** млн. сўмни ташкил этади.

**Агрономия ва биотехнология факультетида** белгиланган режа **49,6 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **27,8** млн. сўмни ташкил этади.

**Педагогика факультетида** белгиланган режа **41,9 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **27,6** млн. сўмни ташкил этади.

**Филология факультетида** белгиланган режа **39,7 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **30,9** млн. сўмни ташкил этади.

**Хорижий тиллар факультетида** белгиланган режа **31,5 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **56,5** млн. сўмни ташкил этади.

**Жисмоний маданият факультетида** белгиланган режа **28,6 %** га бажарилган. Умумий тушум миқдори **14,8** млн. сўмни ташкил этади. **Мактабгача ва бошланғич таълим**

**факультетида белгиланган режа 25,7 % га бажарилган. Умумий тушум миқдори 25,0 млн. сўмни ташкил этади.**

**Тарих ва маданий мерос факультетида белгиланган режа 8,2 % га бажарилган. Умумий тушум миқдори 6,5 млн. сўмни ташкил этади (Слайд).**

Соҳалар буюртмалари асосида ўтказилган илмий (илмий-ижодий) тадқиқотлар бўйича университетда барча кафедралар бўйича умумий миқдорда 409 670 000 (тўрт юз тўққиз миллион олти юз етмиш минг) сўм миқдордаги тушумга эришилган. Шартнома имзоланган корхоналар билан алоқаларни сақлаб қолиш билан бир қаторда, янги корхоналар билан ҳам ҳамкорлик алоқадорларини ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

### **1.7.3. Давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар.**

Бугунги кунда университетда давлат илмий-техника дастурлари доирасида Педагогика факультети, Психология кафедрасида п.ф.д., проф. Ш.Р. Баротов раҳбарлигида 2021-2022 йилларга мўлжалланган **“Оила психологияси” фанидан мультимедиа маҳсулотларини яратиш** мавзусидаги инновацион лойиҳа (йиллик суммаси 500,0 млн. Сўм, умумий суммаси 1 млрд. сўм) ҳамда Филология факультети Ўзбек тилшунослиги кафедрасида ф.ф.д., проф. М.К. Абузалова раҳбарлигида 2021-2023 йилларга мўлжалланган **“Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш”** мавзусидаги амалий лойиҳа (йиллик суммаси 300,0 млн. сўм, умумий суммаси 900,0 млн. сўм) бажарилмоқда.

Шунингдек:

- Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н. М.А. Орипов раҳбарлигида ишлаб чиқилган **“Бухоро вилоятида гранулали омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш” тижоратлаштириш** лойиҳасини **454,0 млн. сўмга;**

- Умумий ва ноорганик кимё кафедраси профессори, т.ф.д. М.Р. Амонов раҳбарлигида ишлаб чиқилган **“Ресурс тежамкор оҳорловчи полимер-композициялар яратиш ва тўқимачилик корхоналарида жорий этиш технологияси”** тижоратлаштириш лойиҳаси **492,4 млн. сўмга** молиялаштирилди.

Ҳозирги кунда университетда жами умумий суммаси **1 746 440 000 (бир миллиард етти юз қирқ олти миллион тўрт юз қирқ минг)** сўмга тенг бўлган 4 та лойиҳа (1 та инновацион, 1 та амалий, 2 та тижоратлаштириш лойиҳаси) амалга оширилмоқда.

### **1.9.1. Нашр этилган монографиялар**

Ҳисобот даврида университет профессор-ўқитувчилари томонидан нашр этилган монографиялар сони **113 та** бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан анча юқори (2017 йилда 17 та, 2018 йилда 15 та, 2019 йилда 30 та, 2020 йилда 52 та, 2021 йилнинг уч чорагида 113 тани ташкил этади).

Бу кўрсаткич бўйича иқтисодиёт ва туризм факультети (11/20), Хорижий тиллар (31/28), санъатшунослик факультети (7/7), табиий фанлар факультети (15/9), педагогика факультети (22/13), мактабгача ва бошланғич таълим факультети (33/13) педагог-ходимлари фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Педагогика (8/7), Психология (10/6), Бошланғич таълим методикаси (12/6), Мактабгача таълим (11/3), Бошланғич таълим назарияси (10/3), умумий ва ноорганик кимё кафедраси (6 та), факультетлараро жисмоний маданият ва спорт (5), ўзбек тилшунослиги кафедраси (4), экология ва география кафедраси (2 та), Бухоро тарихи кафедраси (2 та), жаҳон тарихи кафедраси (2 та), ўзбек тили ва адабиёти (2 та), тупроқшунослик кафедраси (2 та) инглиз адабиётшунослиги кафедраси (1 та), миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси (1 та), жисмоний маданият назарияси ва услубиёти (1 та), органик ва физколлоид кимё кафедраси (1 та), Математик анализ кафедраси (1 та), ахборот технологиялари кафедраси (1 та), физика (1) кафедраларида бу соҳада жиддий эътибор бериш керак. Амалий математика ва дастурлаш технологиялари, дифференциал тенгламалар, рус тили ва адабиёти, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа, технологик

таълим ҳамда Чақирикқача ҳарбий таълим кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан монографиялар нашр этилмаган (8-жадвал).

### **1.9.2.Профессор-ўқитувчилар томонидан ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари ва селекция ютуқлари учун олинган патентлар**

2021 йил ҳисобида бирорта ҳам патент олинган эмас. 2019 йилда 1 та (Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович, Жўраев Ҳусниддин: Комбинацияланган гелиокуритгич), 2020 йилда 2 та (1.Азимов Отабек Худойбердиевич: Расмий туристик харита; 2. Маъмурова Дилфуза Исломовна: Идиш учун тасвир) эди. Ихтиролар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим. БухДУнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича 2021 йилда кафедралар томонидан амалга ошириладиган ишлар режасида (11-банд) университет бўйича 20 та патент олиш режалаштирилган. Психология, технологик таълим, туризм ва меҳмонхона хўжалиги, сервис соҳаси иқтисодиёти, иқтисодиёт, инглиз адабиёти ва стилистика, физика, ахборот технологиялари, амалий математика ва дастурлаш технологиялари, биология, тупроқшунослик, мактабгача таълим, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, мусиқий таълим (14та кафедра) 1 тадан, табиий фанлар факультетидаги 3 та кафедра эса 2 тадан патент олишни режалаштирган. Демак, 17 та кафедра режасига киритган, қолган 21та кафедра режага патент олишни режалаштирмаган. Натижа эса 0га тенг.

### **1.9.3.Ахборот-коммуникация технологияларига ва электрон базалари учун олинган гувоҳномалар, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган**

Ҳисобот йилида кафедралар томонидан ҳимоя қилинадиган материаллар сони ўтган 2020 йилга нисбатан **43 тага ошди**, яъни **113 тани** ташкил этди. Ушбу кўрсаткич бўйича тасвирий санъат ва муҳандислик кафедраси (13 та, режалаштирилган 7та), иқтисодиёт кафедраси (12 та, режалаштирилган 5 та), жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси (11 та, режа-7 та), ахборот технологиялари кафедраси (9 та, режа-9та), амалий математика ва дастурлаш технологиялари кафедраси (7 та, режа – 9 та), мактабгача таълим кафедраси (7 та, режа-11 та) ҳамда педагогика кафедраси (7 та, режа 12 та), органик ва физколлоид кимё кафедраси (3 та, режа 4 та) профессор-ўқитувчилари фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бухоро тарихи (5/0), факультетларaro жисмоний маданият ва спорт (5/0), Дифференциал тенгламалар (4/0), жаҳон тарихи (4/0), инглиз адабиёти ва стилистика (3/0), инглиз адабиётшунослиги (4/0), табиий йўналишларда чет тили (4/0), гуманитар йўналишларда чет тили (4/0), мусиқий таълим (4/0), немис ва француз тиллари (3/0), тупроқшунослик (2/0), таржимашунослик ва лингводидактика (2/0), чақирикқача ҳарбий таълим (0/0) кафедраларида (13 та кафедрада) эса муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган материаллар бўйича гувоҳномалар (муаллифлик гувоҳномалари) олинмаган (**9-жадвал**).

### **2.2.1. Дарсликлар**

2020 йилда университет бўйича **22 та** дарслик яратилган бўлса, ҳисобот даврида, яъни 2021 йилнинг уч чорагида **38 та дарсликка** вазирликнинг грифи олинган. Бу ўтган йилга нисбатан яхши кўрсаткич. Лекин йил бошида тузилган режада 65та дарслик ёзиш режалаштирилган эди. Санъатшунослик, мактабгача ва бошланғич таълим, чақирикқача ҳарбий таълим факультетлари белгиланган режани тўлиқ бажарган. Санъатшунослик факультети режалаштирган 5 та дарсликни ёзиб нашрдан чиқардилар. Шундан 4 таси мусиқий таълим кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилган. Мактабгача ва бошланғич таълим факультетида 5 та дарслик режалаштирилган, амалда 7 та дарслик чоп этилган. Чақирикқача ҳарбий таълим факультети режалаштирилган 2 та дарслик, амалда 3 та дарслик чоп этилган. Жисмоний маданият факультети профессор-ўқитувчилари томонидан 7 та дарслик ёзиш режалаштирилган бўлиб, 6 таси нашрдан чиққан. Факультетдаги 2 та кафедра профессор-ўқитувчилари 3 тадан дарслик ёзиб нашр этдилар. Педагогика ҳамда иқтисодиёт ва туризм факультетларида ҳам бу соҳада иш яхши ташкил этилган. Иқтисодиёт ва туризм факультетида режалаштирилган 5 та дарслик ҳам тайёрлаб чиқарилган.

Педагогика факультетида режалаштирилган 7 та дарсликдан 6 таси нашр қилинган. Психология кафедрасидан 4 та, педагогика кафедрасидан 2 та дарслик чоп этилган.

Биология, тупроқшунослик, математик анализ, дифференциал тенгламалар, физика, экология ва география, ислом тарихи, манбашунослик ва фалсафа, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ, жаҳон тарихи, сервис соҳаси иқтисодиёти, технологик таълим, мактабгача таълим, ўзбек тилшунослиги, инглиз тилшунослиги, инглиз адабиётшунослиги, таржимашунослик ва лингводидактика, табиий йўналишларда чет тиллар, ахборот технологиялари, амалий математика ва дастурлаш технологиялари кафедралари (19 та кафедра) профессор-ўқитувчилари томонидан бирорта дарслик тайёрланмаган. Бу йўналиш бўйича мазкур кафедраларда ишларни жонлантириш керак.

### **2.2.2. Ўқув қўлланмалар**

2021 йилда режа асосида университет бўйича **200 та** ўқув қўлланма тайёрлаб нашр этилиши режалаштирилган. Ҳозиргача бу рақам **113 тага** тенг. Санъатшунослик факультетида 15 та режалаштирилган, нашрдан эса 20 та ўқув қўлланма чиққан, худди шундай жисмоний маданият факультети (20/20), мактабгача ва бошланғич таълим факультети (18/18), педагогика факультетида (17/16), бу соҳада ижобий ишлар амалга оширилган. Мусикий таълим кафедраси (8/11), тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (7/9), мактабгача таълим (5/6), бошланғич таълим назарияси (5/6), жисмоний маданият назарияси ва услубиёти (12/12), факультетлараро жисмоний маданият ва спорт (8/8), чақириққача ҳарбий таълим (3/3) кафедраларида белгиланган режа бажарилган. Иқтисодиёт (8/7), инглиз тилшунослиги (5/4), технологик таълим (5/4), бошланғич таълим методикаси (8/6), миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ (5/3), органик ва физколлоид кимё (4/2), ахборот технологиялари (6/3), психология (6/3), биология (5/2), математик анализ (5/2), ўзбек тили ва адабиёти (5/2), немис ва француз тиллари (5/2), ўзбек тилшунослиги (4/2), тупроқшунослик (5/1), физика (6/1), ислом тарихи, манбашунослик ва фалсафа (5/1), Бухоро тарихи (5/1), Жаҳон тарихи (4/1), сервис соҳаси иқтисодиёти (4/1), умумий ва ноорганик кимё (4/1), таржимашунослик ва лингводидактика (2/1) кафедраларида маълум ишлар бажарилган. Лекин 9 кафедрада (экология ва география, амалий математика ва дастурлаш технологиялари, дифференциал тенгламалар, туризм ва меҳмонхона хўжалиги, рус тили ва адабиёти, инглиз адабиётшунослиги, инглиз адабиёти ва стилистика, гуманитар йўналишларда чет тили, табиий йўналишларда чет тили) бу кўрсаткич 0га тенг, яъни тайёрланиши режалаштирилган 40 та ўқув қўлланма тайёрланмаган. Факультетлар кесимида олганда Тарих ва маданий мерос факультетида 19 та режалаштирилган, нашрдан атиги 6 таси чиқарилган, филология (19/4), ахборот технологиялари (12/3), агрономия ва биотехнология (10/3), физика-математика (15/3), хорижий тиллар (22/7), бу кўрсаткич анча паст. Қолган 3 ой давомида режалаштирилган ўқув қўлланмаларни ёзиб нашрдан чиқариш жуда қийин. Бу масалани факультетларда муҳокама қилиш зарур.

### **2.3.1. Хорижий ўқитувчилар сони**

2021 йил сентябрь ойигача 27 нафар хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтишлари учун ректор буйруғи расмийлаштирилган. Жумладан, иқтисодиёт ва туризм, физика-математика, хорижий тиллар, табиий фанлар, тарих ва маданий мерос, филология, педагогика, мактабгача ва бошланғич таълим, агрономия ва биотехнология факультетларида хорижлик ўқитувчилар мавжуд.

### **2.3.2. Хорижий талабалар сони**

2021 йилда хорижлик талабалар сони 285 нафарни ташкил этмоқда, асосий ҳисса табиий фанлар, хорижий тиллар ҳамда педагогика факультетларига тўғри келади.

### **2.4.1. Академик алмашув дастурларда иштирок этувчи талабалар сони**

Бу банд бўйича олий таълим муассасалари ўртасида тузилган, идоралараро ва давлатлараро шартнома ва келишувлар асосида хорижий олий таълим муассасаларининг ўқув курсларида ўқиган маҳаллий олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек,

маҳаллий ОТМларнинг ўқув курсларида ўқиган хорижий ОТМларнинг талабалари алмашинув дастурида қатнашган талабалар ҳисобланади. 2021 йилда хорижий тиллар факультети, Филология ва тилларни ўқитиш йўналишидан 1 нафар талаба (Миракова Шаҳзода) АҚШ да Вашингтон ва Сиетл шаҳарларида “Фуқаролик таълими ва лидерлик дастури” бўйича иштирок этган (БухДУ ректорининг 132-01-Х/С буйруғи, 10.08.2021й.). Халқаро ҳамкорлик бўлимида бошқа факультетлардан академик алмашув дастурларида талабалар иштироки бўйича бошқа ҳеч қандай маълумот тақдим этилмаган.

#### **2.4.2. Ҳисоб йилида хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларда талабалар ва ўқитувчилар иштирок этиши**

2021 йилда университет бўйича жами **193 нафар** профессор-ўқитувчи ва талабалар халқаро миқёсда ўтказилган конференцияларда он-лайн ёки офф-лайн иштирок этишган:

- Иқтисодиёт ва туризм факультетидан **48 нафар** ўқитувчи ва **17 нафар** талабалар,
- Тарих ва маданий мерос факультетидан **17 нафар** ўқитувчи,
- Физика-математика факультетидан **23 нафар** ўқитувчи ва **14 нафар** талаба,
- Ахборот технологиялари факультетида **58 нафар** ўқитувчи ва **15 нафар** талаба,
- Жисмоний маданият факультетидан **3 нафар** ўқитувчи ва **2 нафар** талаба;
- Педагогика факультетидан **8 нафар** ўқитувчи;
- Хорижий тиллар факультетидан **3 нафар** ўқитувчи.

Хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро конференциялар, семинарларда иштирок этган талабалар **41 нафарни**, профессор-ўқитувчилар эса **152 нафарни** ташкил этган. **Жами: 193 нафар.**

#### **3.2.1. Ҳисоб йилида ОТМни битирган битирувчилар сони.**

2020/2021 ўқув йилида 9 ойлик маълумот бўйича таҳлил қилинганда, бакалаврият таълим йўналишлари битирувчилари сони **2754 нафар (493 нафар грант, 2261 нафари контракт асосида)**ни ташкил этади, уларнинг **447 нафари** (яъни, **16,2 фоизи**) бандлиги бўйича асосли маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.

#### **3.2.2. Магистратура битирувчиларининг ишга жойлашганлик даражаси ҳақида маълумот.**

2020/2021 ўқув йилида Бухоро давлат университетиде магистратура мутахассислиги бўйича жами битирувчилар сони **248 нафар (52 нафари грант, 196 нафари контракт асосида)**. Ушбу кўрсаткич бўйича таҳлили қилинганда, 248 нафар битирувчидан 28 нафари ишга жойлашган ва бу 11% ни ташкил этади.

#### **3.4.1. Халқаро олимпиадаларда ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга созовор бўлган талабалар салмоғи**

Бухоро тарихи кафедраси талабаси Аббосов Аббосали Зарифович **Ислоом Каримов** номли давлат стипендиаси, Биология кафедраси талабаси Атоева Дилсора Одил қизи **Улуғбек** номли давлат стипендиаси, Муסיқа таълими кафедраси талабаси Узакова Муниса Абдурахим қизи **Навоий** номли давлат стипендиаси, Инглиз тилшунослиги кафедраси талабаси Муртазоев Отабек Нусрат ўғли **Навоий** номли давлат стипендиаси, Мактабгача таълим кафедраси талабаси Икрамова Нигина Аминовна **Навоий** номли давлат стипендиаси, Ҳарбий таълим кафедраси талабаси Жунайдуллаев Мэлс Аслиддин ўғли **Навоий** номли давлат стипендиаси, Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ кафедраси талабаси Ахмадова Лола Асрор қизи **Навоий** номли давлат стипендиаси ғолиблигига эришдилар.

#### **3.4.2. Республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом) ларга созовор бўлган талабалар сони.**

**2020/2021 йил ўқув йилида** иқтидорли талабалар ўртасида ўтказилган Талабалар Республика онлайн фан Олимпиадаси танловида университет бўйича **14 нафар** талабалар фахрли 1,2,3-ўринларни эгаллашди. Бунда, Психология кафедраси талабаси Дехқонбоев

Шоҳжаҳон Ойбек ўғли (**Психология фани**), Педагогика кафедраси талабаси Саидова Юлдуз Замон қизи (**Педагогика фани**), Биология кафедраси талабаси Шамсиева Шахризабону Рустамовна (**Биология фани**), Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси талабаси Жураева Гулноза Жамшидовна (**Тасвирий санъат тарихи ва назарияси фани**), Немис ва француз тиллари кафедраси талабаси Хайитов Хондамир Фурқат ўғли (**Француз тили ва адабиёти фани**), Бошланғич таълим назарияси кафедраси талабаси Ҳомидова Зарина Рустам қизи (**Она тили ва адабиёти (бошланғич таълим йўналишлари учун) фани**), Иқтисодиёт кафедраси талабаси Аминова Нигинабону Бахриддиновна (**Банк иши фани**), Иқтисодиёт кафедраси талабаси Шодиев Шохрухшон Шомурот ўғли (**Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани**) **1-ўринни**;

Немис ва француз тиллари кафедраси талабаси Қосимова Зебинисо Содиқ қизи (**Немис тили ва адабиёти фани**), Бошланғич таълим назарияси кафедраси талабаси Хайруллаева Мадинабону Ойбек қизи (**Она тили ва адабиёти (бошланғич таълим йўналишлари учун) фани**), Бошланғич таълим методикаси кафедраси талабаси Файзуллаева Адолат Зафар қизи (**Математика ва уни ўқитиш методикаси(бошланғич таълим йўналиши учун) фани**) **2-ўринни**;

Немис ва француз тиллари кафедраси талабаси Низомова Мадина Иззатулло қизи (**Немис тили ва адабиёти фани**), Бошланғич таълим методикаси кафедраси талабаси Бердиёрова Мархабо Қўзимурод қизи (**Математика ва уни ўқитиш методикаси (бошланғич таълим йўналиши учун) фани**), Мусиқа таълими кафедраси талабаси Рустамова Малика Қурбон қизи (**Вокал ижрочидиги фани**) **3-ўринни** эгаллади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, факультетларда ва кафедраларда ўқитувчилар кесимида рейтинг кўрсаткичларининг батафсил таҳлилини амалга ошириш зарур. Бу учун факультетларда ишчи гуруҳлар шакллантириб, ютуқ ва камчиликлар чуқур ўрганилиб тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. “Кафедраларни 2021 йил фаолиятининг 9 ойлик натижалари таҳлили тўғрисида”ги таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи М.Я.Эргашовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Университетнинг 2021 йил фаолиятининг 9 ойлик натижалари қониқарли эканлиги қайд этилсин.

3. Иқтисодиёт, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, педагогика, мусиқий таълим, бошланғич таълим методикаси, факультетлараро жисмоний маданият ва спорт, математик анализ, ўзбек тилшунослиги, умумий ва ноорганик кимё, ахборот технологиялари, жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти кафедраларининг фаолият самарадорлиги юқори эканлиги эътироф этилсин.

4. Бухоро тарихи, жаҳон тарихи, гуманитар йўналишларда чет тили, немиз ва француз тиллари, чақириққача ҳарбий таълим, тупроқшунослик, таржимашунослик ва лингводидактика, табиий йўналишларда чет тили кафедраларида рейтинг кўрсаткичлари пастлиги қайд этилсин.

#### **5.Факультет деканлари ва кафедра мудирларига:**

5.1.Факультетларда рейтинг кўрсаткичларининг батафсил таҳлилини амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар тузиш;

5.2. Ишчи гуруҳ билан кафедралардаги кучли ва заиф соҳалар ўрганилиб, тегишли чора тадбирлар белгилаш;

5.3. Камчиликларни бартараф этиш, рейтинг кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида “Йўл харитаси”ни тайёрлаш, белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Кафедралардаги ҳар бир педагог-ходим томонидан ўқув йили давомида амалга оширилган ўқув-методик, тарбиявий, илмий фаолиятлари тўғрисидаги ишларни асословчи ҳужжатларни университетнинг портфолио (<http://uniwork.buxdu.uz/>)га тизимига мунтазам равишда жойлаштириб бориши таъминлансин (**Масъуллар: кафедра мудирлари**)

7. Университет кенгашининг мазкур қарори факультетларда ўтказиладиган навбатдаги йиғилишларда кафедралар кесимида танқидий муҳокама қилинсин ҳамда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин (**Масъуллар: факультет деканлари**).

8. Ушбу қарорнинг ижро назорати ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б. Р.Ғ.Жумаев зиммасига юклатилсин.

### **III. Ўзгариш ва инновациялар ҳолатлари бўйича:**

3. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олиб, кейинги 10 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган педагогик ходимлар тўғрисида

**ЭШИТИЛДИ:** **О.С.Қаҳҳоров** (Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор) кенгаш аъзоларига Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олиб, кейинги 10 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган педагогик ходимлар тўғрисида таҳлилий маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги **ПФ-4958 сонли Фармони**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги **304-қарори** ижроси, Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомини ижросини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда университетимизда юқори малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш, Олий таълимдан кейинги таълим тизимини ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги 10 йилда 15 нафар педагогик ходим Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олган ва ханузгача докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган (М.Р. Шокиров, О.И. Ражабов, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси С.С. Давлатов, М.А. Шукурова, М.С. Мирзаев, З.Ш. Жўраев, С.А. Қодирова, Н.С. Ибрагимов, Г.Р. Остонова, С.С. Ибрагимов, Э.Б. Жалолов, Н.Х. Ҳақимова, Б.И. Адизов, О.Х. Азимов, Н.З. Сайфуллаева)ларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишлари бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш кафедра мудирилари томонидан амалга оширилади.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С. Қаҳҳоровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сўнгги 10 йилда Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган педагог-ходим (Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси ўқитувчиси М.Р. Шокиров Олий таълимдан кейинги таълим институти 2012 йилда тугатган, илмий раҳбари ф.ф.н., доц. А.З. Шарипов, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси О.И. Ражабов Олий таълимдан кейинги таълим институти 2012 йилда тугатган, илмий раҳбари т.ф.д., проф. Ҳ.Ҳ. Тўраев, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси С.С. Давлатов олий таълимдан кейинги таълим институти 2014 йилда тугатган, илмий раҳбари и.ф.д., проф. Б.Н. Наврўз-Зода, Инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси М.А. Шукурова олий таълимдан кейинги таълим институти 2014 йилда тугатган, илмий раҳбари ф.ф.д., проф. К.Б. Шодмонов, Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси М.С. Мирзаев олий таълимдан кейинги таълим институти 2015 йилда тугатган, илмий раҳбари т.ф.д., проф. Ш.Ш. Мирзаев, Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси З.Ш. Жўраев олий таълимдан кейинги таълим институти 2015 йилда тугатган, илмий раҳбари п.ф.д., проф. С.Қ.Қаҳҳоров, Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси С.А. Қодирова олий таълимдан кейинги таълим институти 2015 йилда тугатган, илмий раҳбари ф.ф.д., проф. Б.Тўхлиев, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси Н.С. Ибрагимов олий таълимдан кейинги таълим институти 2019 йилда тугатган, илмий раҳбари и.ф.д., проф. Б.Н. Наврўз-Зода, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси Г.Р. Остонова олий таълимдан кейинги таълим институти 2019 йилда тугатган, илмий раҳбари п.ф.д., проф.

Ғ.Б. Шоумаров, Физика кафедраси ўқитувчиси С.С. Ибрагимов олий таълимдан кейинги таълим институти 2020 йилда тугатган, илмий раҳбари т.ф.д., проф. Ш.М. Мирзаев, Биология кафедраси ўқитувчиси Э.Б. Жалолов олий таълимдан кейинги таълим институти 2020 йилда тугатган, илмий раҳбари б.ф.д., проф. С.Б. Бўриев, Тупрокшунослик кафедраси ўқитувчиси Н.Х. Ҳакимова олий таълимдан кейинги таълим институти 2020 йилда тугатган, илмий раҳбари к/х.ф.д., проф. Р. Қурвонтоев, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси Б.И. Адизов олий таълимдан кейинги таълим институти 2020 йилда тугатган, илмий раҳбари и.ф.д., проф. Б.Н. Наврўз-Зода, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси О.Х. Азимов олий таълимдан кейинги таълим институти 2020 йилда тугатган, илмий раҳбари и.ф.н., доц. Ҳ.Р. Ҳамроев, Педагогика кафедраси ўқитувчиси Н.З. Сайфуллаева олий таълимдан кейинги таълим институти 2020 йилда тугатган, илмий раҳбари п.ф.д. проф. Ш.Ш. Олимов)ларнинг докторлик диссертацияларининг ҳолати бўйича берилган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

3. Сўнги 10 йилда Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олиб ҳанузгача докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган педагог-ҳодимларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишлари бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ҳамда амалий ёрдам кўрсалсин. (Масъуллар: факультет деканлари, кафедра мудирлари, илмий раҳбар ва маслаҳатчилар, илмий тадқиқот, инновациялар ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, **муддат: 10.11.2021 й.**)

4. Ушбу қарор ижро назорати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор **О.С. Қаҳҳоровга** юклатилсин.

#### **IV. Халқаро ҳамкорлик бўйича:**

**4.1. Олий таълим тизимида ҳамкорлик масалалари ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида хорижий сафарга чиққан профессор ўқитувчиларнинг ҳисоботлари тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ: Ш. Ахмедова** (профессор) Бухоро давлат университети Филология факультетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Москвада хизмат сафари ҳақида маълумот берди.

Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг таклифи ва Бухоро ҳамда Москва давлат университети ўртасида тузилган меморандумга асосан, шунингдек, Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 17 сентябрдаги 157-х/с буйруғига кўра 30 сентябрдан 7 октябргача ТОП–1000 таликка кирган Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг Туркий филология кафедрасида илмий сафарда бўлди. 30 сентябрдан бошлаб бир ҳафта давомида кафедра профессор-ўқитувчилари билан семинар-тренинглари ташкил этдик.

1-октябрь куни Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институтида бўлиб ўтган “Дмитриев ўқишлари” номли ХХІХ халқаро илмий конференцияда ўз маърузаларимиз билан иштирок этдик. Профессор-ўқитувчилардан Е.А.Огарева, М.Репенкова, Т.Лосева-Бахтиярларнинг маъруза ва амалий машғулотида қатнашдик.

Бир ҳафта давомида талабаларга “Ҳозирги ўзбек адабиёти”, “Лингвистика ва фольклор,” “Ҳозирги ўзбек адабиёти ва танқидчилиги жанрлари” каби фанлардан 1-4 курс талабаларига маърузалар ўқидик. Уларда талабалар сони жуда кам, гуруҳларда 5та, баъзан 7, 9 тагача талабалар иштирок этишади. Муҳими, улар ўзбек адабиётига қатта қизиқиш билан қарашди. Бугунги ижодкорлар, адабиётимиздаги янгиликлар, ютуқлар ҳақида суҳбатлашдик. Улуғбек Ҳамдамнинг "Ёмғир ёғар", Б.Фазлидиннинг "Сизни яхши кўраман", Лайло Шарипованинг "Азизам" шеърларини ўзим таржима қилиб, уларга ўқиб бердим. Жуда яхши кутиб олишди. Жуда кўп саволлар беришди. Ёш ёзувчи Шерзод Ортиқовнинг асарлари инглиз, испан тилларида таржима қилиниб, халқаро сайтларда, журналларда чоп этилаётгани, Исажон Султоннинг асарлари Туркияда ўқитилаётгани ҳақида гапириб бердим. Б.Жўраеванинг ўзбек тили ҳақидаги маърузаларини жон қулоқ билан эшитишди. Лайло шеърларидан ўқиб берди. Ёш олиманиз Н.Қодирова ўзбек тилини ўрганиш бўйича улар билан рисола яратишга келишиб олди. Биз уларга ҳозирги ўзбек адабиётининг вакиллари,

уларнинг асарлари ҳақида қўлланма яратишга ваъда бердик. Ректор А.А.Маслов талабаларни алмашишга рози бўлди. Аммо талабаларимиз рус тилини яхши билишмайди. Шуниси ачинарлики, уларнинг талабалар турк тилини 1-курсдан бошлаб ўрганишар экан, ҳатто иқтисодчи талабалар ҳам кафедрага келиб, турк тили, адабиёти бўйича маъруза эшитишар, курс ишлари ёзишар экан. Бизда эса иқтисодчи талабалар, нафақат иқтисодчи, балки турли йўналишдаги талабалар қачон ўзбек адабиётини ўрганишга киришар экан? Туркий тиллар кафедрасида Ўзбек тили эса ҳафтада бир соат ўтилар экан, шу билан бирга улар қозоқ, қирғиз ва бошқа тилларни ҳам ўрганишмоқда. Демак, Россияда ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилишимиз керак экан деган хулосага келдик.

Умуман олганда, ижодий сафаримиз муваффақиятли яқунланди.

**ЭШИТИЛДИ: У.Д.Дурдиев** (Дифференциал тенгламалар кафедраси мудири) Мен КФУ таклифига биноан 21-24 июн кунлари Қозон шахрига хизмат сафарида бўлдим. Пандемия туфайли авиапарвозлар тўхтатилган ва фақат чартер рейслар борлиги сабабли 18.07 кунига билет олдим ва 21.07 гача Қозон шахрига мехмонхонада тунашга мажбур бўлдим. 21-24 саналарда КФУ барча харажатларни ўз ҳисобидан қоплаб берди. 3-кун мобайнида биз хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги қўшма дастурларни мувофиқлаштирувчи бўлим бошлиғи О.Ҳ.Раҳимов билан биргаликда ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли йўналишларни белгилаб олдик. Ташриф давомида КФУ бошқарув тизими ва институтлари, у ердаги таълим тизими тўғрисида етарли ахборотларни олдик. Ташриф давомида Қозон шаҳридан 250 км бўлган Елабуга шахрига ва Набережные Челны шаҳарларига ҳам экскурсия ва танишув омалга оширилди. Бу ташриф доирасида КФУ ва БухДУ ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида 4-йўналишда магистратура очиш келишиб олинди. Сафар давомидДурдиев Умиджон аги барча ҳужжатлар илова қилинди.

**ЭШИТИЛДИ: Б.Б.Маъмуров** (Жисмоний маданият факультети декани, проф.) Россия Федерацияси Москва шахрига қилган хизмат сафари тўғрисида

Москва давлат университетининг расмий таклиф хати ва университет ректорининг 2021 йил 13 сентябрдаги 152-Х/С сонли буйруғи асосида хизмат сафари 2021 йилнинг 15 сентябридан 28 сентябригача давом этди.

16-18 сентябрь кунлари Москва давлат университет билан мавжуд қўшма таълим дастурлари масалаларини муҳокама қилиш учун университети раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар давомида Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчиларининг Москва давлат университетида қисқа муддатли малака ошириш дастурларини ташкил этишга келишиб олинди.

20 - 23 сентябрь кунлари Вернадский номидаги Қрим федерал университетида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этилди ва университет тақдими ўтказилди. Мазкур университет билан ҳамкорликда 2022 йилнинг биринчи чорагида илмий-амалий анжуман ўтказиш, ўқув - илмий соҳада ҳамкорлик қилиш режалаштирилди. Бундан ташқари, Севастополь давлат университети “Жисмоний маданият ва спорт” марказига ташриф буюрилиб, жисмоний тарбия машғулотларини оффлайн ва онлайн шаклда ташкил этиш амалиёти билан танишилди.

24-25 сентябрь кунлари Москва давлат университетида ўқув машғулотлари олиб борилди, кафедралараро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

26-27 сентябрь кунлари Москва педагогика давлат университети билан БухДУ Педагогика институти ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича учрашувлар ўтказилди.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. Бухоро давлат университетидан хорижий сафарга юборилган профессор-ўқитувчиларнинг сафар бўйича ҳисоботлари ахборот учун қабул қилинсин.

2. Хориж сафарлари самарадорлигини ошириш сафар натижаларининг ОАВ орқали, шунингдек семинар ва тренинглар орқали кенг оммага тарқатилиши орқали амалга оширилиши зарурлиги та'кидлансин.

3. Университетда раҳбарият ва профессор-ўқитувчилар кесимида хорижий тилларни билиш даражаси паст эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин. Мазкур масалани ҳал қилиш бўйича а) Хорижий тил сертификатига эга бўлган ўқитувчи, тадқиқотчи ва талабалар рўйхатини шакллантирилсин (муддат: 25.10.2021 й., мас'ул: факультет деканлари); б) Хорижий тиллар марказида 1-гуруҳда проректорлар ва деканлар учун, 2-гуруҳда кафедра мудирлари учун 3 ойлик интенсив хорижий тил курсларини ташкил этилсин, курс ўқитувчилари учун моддий рағбатлантириш ташкил этилсин (бошлаш муддати: 27.10.2021 й., мас'уллар: проректорлар А.Жўраев, Ў.Рашидов, Хорижий тиллар факультети декани М.Жўраева).

4. Кафедралардан шаклланган малака ошириш гуруҳлари учун хориждаги ҳамкор ОТМда гибрид усулда малака оширишни ташкил этилсин, шу жумладан, йил охиригача 30 нафар ўқитувчи (мас'уллар: проректорлар Р.Ғ. Жумаев, А.Т. Жўраев, Ў.У. Рашидов, факультет деканлари, кафедра мудирлари).

5. Олий таълим муассасалари рейтингига тегишли кўрсаткичларнинг ижроси бўйича кафедраларида ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

6. Талабаларнинг хорижда таълим олиш, малака ошириш, амалиёт ўташи билан боғлиқ ишларнинг расмийлаштирилишида сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмаслиги та'кидлансин, хориж сафарларини кечиктириб расмийлаштириш ёки расмийлаштирамаслик ҳолатлари аниқланганда мас'улларга интизомий чора кўриш белгилансин (мас'ул: проректор А.Жўраев, факультет деканлари, кафедра мудирлари).

#### **V. Ходимлар бўлими йўналиши бўйича:**

#### **5. Университетда тьюторлик лавозимини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида.**

**ЭШИТИЛДИ: У.А.Файзиёва** (Ходимлар бўлими бошлиғи) Тьюторларни ишга қабул қилиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача таҳлилий маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 563-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 13 сентябрдаги 390-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида университет ректорининг 2021 йил 2021 йил 6 октябрь 400-У сонли буйруғи ишлаб чиқилди.

Бугунги кунгача тьюторлик лавозимига ишга қабул қилиш бўйича да кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, тьютор бўш лавозимлари учун bvxdu расмий сайти ва телеграмм bot каналига, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатларининг расмий (ish.mehnat.uz) ва vakansiya.uz сайтига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг вакант лавозимлар учун очик мустақил танловлар ўтказиш, яъни вилоятнинг @vacancy\_argos\_bot каналларига очик эълонлар берилди.

Эълон қилинган давр ичида 460 дан ортиқ фуқаролар томонидан мурожаатлар тушди. Ушбу мурожаатлар ичидан “Тьютор фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғриси”даги НАМУНАВИЙ НИЗОМ ва “Тьютор тариф-малака маълумотномаси”да қўйилган талабларга қатъий риоя қилинган ҳолда кенгайтирилган жамоатчилик кенгаши томонидан ўтказилган тест натижалари кўрсаткичларига мувофиқ ва суҳбат орқали тьютор лавозимига саралаб олинди.

Жумладан, 30 нафар магистр ва 61 нафар бакалавр маълумотига эга кадрлар ҳисобланади.

Қабул қилинган тьютор лавозимига уларнинг маълумоти, ёши (ёш чегараланган), педагогик ва психологик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услугий таълим тизимида бошқарув фаолияти билан шуғулланган ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий йўналишда 2 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган фуқаролар сараланиб уч ой синов муддати билан ишга қабул қилинди.

Ушбу давр мобайнидан тьюторларнинг фаолияти белгиланган низом талабларидан келиб чиқиб, қатъий назоратга олиниши йўлга қўйилиши режалаштирилди.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. Ходимлар бўлими бошлиғи У.А.Файзиёвнинг университетда тьюторлик лавозимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Университетда жорий этилган тьюторлик лавозими учун ариза топширган АКТ, чет тили тести ва университетга ишга қабул қилиш комиссияси суҳбатидан ўтган номзодлар учун семинар-тренинг ўтказилсин ҳамда уларнинг лавозим вазифалари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилсин (Масъул: Университетга ишга қабул қилиш комиссияси, А.Кадиров, Р.Жумаев, О.Қаҳҳоров. **Муддат уч иш куниди**).
3. Ишга қабул қилинган тьюторлар факультетлар кесимида тақсимот қилинсин ҳамда уларга белгиланган меъёрга мувофиқ талабалар бириктирилсин (масъул: А.Кадиров, деканлар).
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.Кадиров зиммасига юклатилсин.

#### **VI. Жамоатчилик кенгаши фаолияти бўйича:**

**6. Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 20-октябрдаги 428-У-сонли “Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этишнинг устувор вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш тўғрисида”ги буйруғи орқали тасдиқланган иловалар мазмуни ва уни жамоага етказиш ҳақида**

**ЭШИТИДИ: Ё.Қ.Қулиев** (Коррупцияга қарши курашиш “Копмлаэнс назорат” тизимини бошқариш бўлими бошлиғи) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг 2021 йил 18-октябрдаги 01-07/6859-сонли хати ижросини таъминлаш, Бухоро давлат университетида коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этувчи ҳужжатлар тўпламини жорий этиш мақсадида Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 20-октябрдаги 428-У-сонли “Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этишнинг устувор вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш тўғрисида”ги буйруғи орқали тасдиқланган иловалар мазмуни ҳақида ва уни жамоага етказиш ҳақида ахборот берди.

Иловалар мазмуни қуйидагилардан иборат:

- Бухоро давлат университетининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати (1-илова)
- Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ (2-илова)
  - Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ (3-илова)
  - Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш РЕГЛАМЕНТИ (4-илова)
  - Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича ЙЎРИҚНОМА (5-илова)
  - Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид ЙЎРИҚНОМА (6-илова)
  - Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА (7-илова)
  - Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш УСЛУБИЁТИ (8-илова)

- Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича НИЗОМ (9-илова)

- Бухоро давлат университети, унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича РЕГЛАМЕНТ (10-илова)

**Бухоро давлат университетида коррупцияга қарши комплаэнс назоратни жорий этиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 373-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида**

- “Бухоро давлат университетида Комплаэнс назорат тизимини жорий этиш ва коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш тўғрисидаги Низом” 1-илова;

- “Бухоро давлат университетида коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор тўғрисидаги Низом” 2-илова;

- Бухоро давлат университетида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом” 3-илова;

- Бухоро давлат университетида коррупсион хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти” 4-иловада кўрсатиб ўтилган.

**Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, кенгаш қарор қилади:**

1. Коррупцияга қарши курашиш “Комплаэнс назорат” тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Ё.Қ.Қулиевнинг Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 20-октябрдаги 428-У-сонли “Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этишнинг устувор вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш тўғрисида”ги буйруғи орқали тасдиқланган иловалар мазмуни ва уни жамоага етказиш ҳақида берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Университети ректорининг 2021 йил 20-октябрдаги 428-У-сонли “Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этишнинг устувор вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш тўғрисида”ги буйруғи орқали тасдиқланган иловалар мазмуни барча факультет ва бўлимларга етказилсин.

3. Ушбу қарор ижро назорати “Комплаэнс назорат” тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Ё.Қ.Қулиев зиммасига юклатилсин.

## **VII. Тўрли масалалар.**

**7.1. Университет профессор-ўқитувчиларининг аттестация ҳужжатларини ОАК Низом талаблари асосида илмий унвонларга тавсия этиш ҳақида**

**7.1.1. Экология ва география кафедраси профессори, ф.ф.д. Холлиев Аскар Эргашовичнинг профессорлик илмий унвонини олиш учун аттестация ҳужжатларини ОАК га тақдим этиш ҳақида**

**ЭШИТИЛДИ: Н.Г.Дилова** (Кенгаш котиби, п.ф.ф.д., (Ph.D)): - Кенгаш аъзоларига профессор илмий унвонига талабгор Экология ва география кафедраси профессори, ф.ф.д. Холлиев Аскар Эргашовичнинг профессорлик илмий унвонини олиш учун аттестация ҳужжатларини ОАК га тақдим этиш ҳақида маълумот берди. Холлиев Аскар Эргашовичнинг профессорлик илмий унвонини олиш учун Ўз.Р. ОАКга юбориш учун тайёрлаган ҳужжатлари Низом талабларига мос келишини ҳамда номзоднинг мазкур унвонга лойиқлигини таъкидлаб, тавсия берувчи кафедранинг 2021 йил 27 августдаги 1-йиғилиши, факультетининг 2021 йил 28 августдаги 1-йиғилиши ва Университет илмий-техник Кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги 1-йиғилиш баёнидан кўчирмалар мавжудлигини маълум қилди.

Кенгаш раиси О.Х. Хамидов мазкур лавозимга талабгор **Холлиев Аскар Эргашович** номзодини тавсия бериш учун очиқ овоз бериш таклифини киритди. Кенгаш аъзолари ушбу таклифни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Кенгашда 74 нафар Кенгаш аъзосида 70 нафари иштирок этди.

Очиқ овоз бериш натижаси куйидагича:

Талабгор Холлиев Аскар Эргашовичга 70 киши "рози", "қарши" ва бузилган варақалар йўқ.

Кенгаш раиси ушбу қарорини тасдиқлаб беришни овозга қўйди, Кенгаш аъзолари санок комиссиясининг мазкур қарорини бир овоздан маъқулладилар. Қаршилар ва бетарафлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, кенгаш **қарор қилади:**

1. Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, п.ф.ф.д., Холлиев Аскар Эргашович профессор доцент илмий унвонига тавсия этилсин.

2. Холлиев Аскар Эргашовичнинг ҳужжатларини 10 кун муддатда ЎзР ОАКга етказиш вазифаси Кенгаш котиби Н.Г.Дилова зиммасига юклатилсин. (муддат: 2021 йил 22 ноябреча)

#### **7.1.2. Табиий йўналишларда чет тили кафедраси муdiri Д.И.Ходжаевани доцент унвонига тавсия этиш ҳақида**

**ЭШИТИЛДИ:** Н.Г.Дилова (Кенгаш котиби, п.ф.ф.д., (Ph.D)): - Кенгаш аъзоларига доцент илмий унвонига талабгор Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевнанинг ЎзР ОАКга юбориш учун тайёрлаган ҳужжатлари Низом талабларига мос келишини ҳамда номзоднинг мазкур унвонга лойиқлигини таъкидлаб, тавсия берувчи кафедранинг 2021 йил 22 сентябрдаги 4-йиғилиши ҳамда факультетининг 2021 йил 24 сентябрдаги навбатдан ташқари йиғилиши баёнидан кўчирмалар мавжудлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, кенгаш котиби Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевнанинг сўнгги йиллар мобайнида 35 га яқин илмий ишлари нашр этилганини, шулардан 1 та услубий кўрсатма, Халқаро ва Республика миқёсдаги нуфузли илмий журналларда мақола ва тезислар нашр этганлигини таъкидлаб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, Табиий йўналишларда чет тили кафедраси муdiri ОАКнинг доцент илмий унвонини олиш учун қўйилган талабларини тўлиқ бажарган.

Кенгаш раиси О.Х. Хамидов мазкур лавозимга талабгорнинг номзодини тавсия бериш учун очиқ овоз бериш таклифини киритди. Кенгаш аъзолари ушбу таклифни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Кенгашда 74 нафар Кенгаш аъзосидан 70 нафари иштирок этди.

Очиқ овоз бериш натижаси куйидагича:

Талабгор Дилафрўз Изатиллоевна Ходжаевага 70 киши "рози", "қарши" ва бузилган варақалар йўқ.

Кенгаш раиси ушбу қарорни тасдиқлаб беришни овозга қўйди, Кенгаш аъзолари санок комиссиясининг мазкур қарорини бир овоздан маъқулладилар. Қаршилар ва бетарафлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, кенгаш **қарор қилади:**

1. Табиий йўналишларда чет тили кафедраси муdiri Д.И.Ходжаева доцент илмий унвонига тавсия этилсин.

2. Д.И.Ходжаеванинг ҳужжатларини 10 кун муддатда ЎзР ОАКга етказиш вазифаси Кенгаш котиби Н.Г.Дилова зиммасига юклатилсин. (муддат: 2021 йил 22 ноябреча)

#### **7.1.3. Ўзбек тилшунослиги кафедраси муdiri А.Ахмедовни доцент унвонига тавсия этиш ҳақида**

**ЭШИТИЛДИ:** Н.Г.Дилова (Кенгаш котиби, п.ф.ф.д., (Ph.D)): - Кенгаш аъзоларига доцент илмий унвонига талабгор Ўзбек тилшунослиги кафедраси муdiri А.А.Ахмедовнинг ЎзР ОАКга юбориш учун тайёрлаган ҳужжатлари Низом талабларига мос келишини ҳамда номзоднинг мазкур унвонга лойиқлигини таъкидлаб, тавсия берувчи кафедранинг 2021 йил

22 сентябрдаги 4-йиғилиши ҳамда факультетининг 2021 йил 24 сентябрдаги навбатдан ташқари йиғилиши баёнидан кўчирмалар мавжудлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, кенгаш котиби Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири А.А.Ахмедовнинг сўнгги йиллар мобайнида 40 га яқин илмий ишлари нашр этилганини, шулардан 2 та услубий кўрсатма, Халқаро ва Республика миқёсдаги нуфузли илмий журналларда мақола ва тезислар нашр этганлигини таъкидлаб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири А.А.Ахмедов ОАКнинг доцент илмий унвонини олиш учун қўйилган талабларини тўлиқ бажарган.

Кенгаш раиси О.Х. Хамидов мазкур лавозимга талабгорнинг номзодини тавсия бериш учун очиқ овоз бериш таклифини киритди. Кенгаш аъзолари ушбу таклифни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Кенгашда 74 нафар Кенгаш аъзосидан 70 нафари иштирок этди.

Очиқ овоз бериш натижаси қуйидагича:

Талабгор: А.А. Ахмедовга 70 киши "рози", "қарши" ва бузилган варақалар йўқ.

Кенгаш раиси ушбу қарорни тасдиқлаб беришни овозга қўйди, Кенгаш аъзолари санок комиссиясининг мазкур қарорини бир овоздан маъқулладилар. Қаршилар ва бетарафлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири А.А. Ахмедов доцент илмий унвонига тавсия этилсин.

2. А.А.Ахмедовнинг ҳужжатларини 10 кун муддатда ЎЗР ОАКга етказиш вазифаси Кенгаш котиби Н.Г.Дилова зиммасига юклатилсин. (муддат: 2021 йил 22 ноябргача)

## **7.2. Университетнинг педагог ходимлари томонидан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмаларни вазирлик грифини олишга тавсия бериш тўғрисида.**

**ЭШИТИЛДИ: Р.Ғ.Жумаев** (Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи) Университетнинг педагог ходимлари томонидан тайёрланган ўқув қўлланмаларни вазирлик грифини олишга тавсия бериш тўғрисида қуйидаги ахборотни берди. Университетнинг Илмий Кенгашида қуйидаги профессор ўқитувчиларнинг ўқув қўлланма ва дарсликларини тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

<b>"Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан 2021 йилда 3-сон методик кенгашга тавсия этилган адабиётлар</b>							
т/р	Муаллифларнинг Ф.И.Ш	Ихтисослик шифри ва номи	Адабиёт номи	Адабиёт тури	Кафедра	Ҳужжат топширган санаси	Ўқув-методик кенгашдан ўтганлиги тўғрисидаги санаси
1	А. Назаров, Ш. Абдурахмонов, Ҳ. Сафоев	5111500-Чақирикқача ҳарбий таълим	Умумий психология	Ўқув қўлланма	Психология	16.10.2021	27.10.2021
2	Ф.М. Нуриддинова, Ҳ.Т. Авезов, Б.Ш. Ғаниев	5140500-Кимё (рус)	Лабораторные работы по биорганической химии	Ўқув қўлланма	Органик ва физколлоид кимё	20.10.2021	27.10.2021
3	Н.А. Тўраева ва Н.О. Жўраева	5130100-Математика	Математик практикум	Ўқув қўлланма	Дифференциал тенгламалар	25.10.2021	27.10.2021

4	Норова Шоира Умурзоқовна	5111100- Муסיқа таълими	Чолғу ижрочилиги ва ансамбли (Дугор чолғуси мисолида)	Ўқув қўлланм а	Муסיқа таълими	26.10.2021	27.10.2021
5	Исмоилова Маҳсуна Нарзиқулова, Жалолов Озод Исомиддинович , Жунайдуллаев Мелс Аслиддин Ўғли	5111500- Чақирикқач а ҳарбий таълим	Чақирикқача бошланғич тайёргарликни ўқитишда ахборот- коммуникацион технологиялари	Дарслик	Амалий математика ва дастурлаш технологияла ри	25.10.2021	27.10.2021
6	Л. Нуруллоев	5111500- Чақирикқач а ҳарбий таълим	Амалий жисмоний тайёргарлик ва ҳарбий спорт иншоотлари	Дарслик	Ҳарбий таълим	25.10.2021	27.10.2021

Ушбу масала бўйича кенгаш аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Муҳокама сўнгида унверситет ректори, кенгаш раиси О.Ҳамидов юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларини тасдиқлаш учун овозга қўйди.

Розилар -70 нафар

Қаршилар - йўқ

Бетарафлар - йўқ

Номлари келтирилган дарслик ва ўқув қўлланмалар вазирлик грифини олиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тавсия этиш учун бир овоздан тасдиқланди.

**Kun tartibidagi masala muhokama qilinib, kengash qaror qiladi:**

1. О'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i R.G'.Jumayevning universitet pedagog xodimlari tomonidan tayyorlangan darslik va o'quv qo'llanmalarini vazirlik grifini olishga tavsiya berish to'g'risida axboroti ma'lumot uchun qabul qilinsin.
2. Mualliflari jadvalda keltirilgan professor o'qituvchilarning o'quv qo'llanmalari va darsliklari Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi oliy va professional ta'lim yo'nalishlari bo'yicha o'quv uslubiy birlashmalar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi kengash muhokamasiga tavsiya etilsin.
3. Mazkur qaror ijro nazorati O'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i R.G'.Jumayev zimmasiga yuklatilsin.

### **7.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорларнинг илмий-ижодий ишларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида**

**ЭШИТИЛДИ: У.М. Халикова** (иктидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорларнинг илмий-ижодий ишларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида сўзга чиқиб қуйидагиларни ахборт берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9-сентябрдаги ПФ-6309-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 4-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларининг танлов йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 416-сонли буйруғига мувофиқ, Бухоро давлат университетининг 2021 йил 12-октябрдаги “Ўзбекистон республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига номзодларни саралаш ҳамда танлов ўтказиш тўғрисида”ги 414-Й сонли буйруғига асосан талабгорлар рўйхати,

танлов комиссияси аъзолари тасдиқланди. Комиссия аъзолари томонидан ишлаб чиқилган талабгорларнинг илмий ишларини баҳолаш мезони 2021 йил 28-сентябда бўлиб Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ҳузуридаги техник кенгашда белгиланган тартибда муҳокама қилинди ва университет илмий-методик кенгаши муҳокамасига қўйилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va nomli davlat stipendiyalariga talabgorlarning ilmiy-ijodiy ishlarini baholash mezonlari														
T.r	Talab Gorlar ning F.I.O	Maqolalar (40 ball)				Tezislar (20 ball)			Diplom lar (20 ball)	O'quv metodik qo'llanmalar (15 ball)			Qo'sm m cha yutuqlar i	Jami bali
		<i>Scopus jurnallar (mak 10 ball, har bir maqola uchun</i>	<i>OAK tasarrufidagi xalqaro jurnallar (mak 10 ball, har bir maqola uchun 3 ball)</i>	<i>Xalqaro jurnallar ( mak 8 ball, har bir maqola uchun 2 ball)</i>	<i>OAK tasarrufidagi respublika jurnallari (mak 8 ball, har bir maqola uchun 2 ball)</i>	<i>Respublika miqyosidagi jurnallar (mak 4 ball, har bir maqola uchun 1 ball)</i>	<i>Xalqaro miqyosidagi konferensiya materiallari ( mak 9 ball, har bir tezis uchun 1,5</i>	<i>Respublika miqyosidagi konferen siya materiallari ( mak 7 ball, har bir tezis</i>	<i>OTM miqyosidagi konferensiya materiallari ( mak 4 ball, har bir tezis</i>	<i>* Xalqaro tanlovlarda g'olibligi ( 6 ball)</i>	<i>* Xalqaro olimpiadalarda g'olibligi ( 6 ball)</i>	<i>* Respublika olimpiadalarida g'olibligi ( 4 ball)</i>	<i>* Respublika tanlovlarida g'olibligi (4 ball)</i>	<i>O'quv-metodik qo'llanma ( 7 ball)</i>
<b>Maksimal jami 100 ball</b>														

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорларнинг илмий-ижодий ишларини баҳолаш мезонлари бўйича ўз таклиф ва фикрларини билдиришди.

Кенгаш раиси О.Х.Хамидов кенгаш аъзоларидан ушбу мезонларни тасдиқлаб бериш тўғрисидаги таклифини очик овоз бериш йўли билан қўл кўтариб тасдиқлаб беришларини сўради.

Ҳамма рози, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи У.М. Халикованинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорларнинг илмий-ижодий ишларини баҳолаш мезонлари ҳақида берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Кенгаш аъзоларининг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорларнинг илмий-ижодий ишларини баҳолаш мезонлари тасдиқлансин.
3. Ушбу қарор ижро назорати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С. Қаҳҳоровга юклатилсин.

**7.4. 2021/2022 ўқув йили қабул жараёнларида йўл қўйган камчиликлари учун Ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Ж.Атамуродовга берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ: Х.И.Эшанкулов** (Ахборот технологиялари факультети декани) 2021/2022 ўқув йили қабул жараёнларида йўл қўйган камчиликлари учун Ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Ж.Атамуродовга берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида сўзга чиқиб, Ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Ж.Атамуродовга берилган интизомий жазо (“хайфсан”) унинг шу давр мобайнида ўз йўналиши, лавозим мажбурияти, жамоатчилик ишларидаги фаолияти ҳамда юклатилган бошқа қўшимча топшириқларни ўз вақтида

маъсулият билан бажариб келаётганлигини инобатга олиб муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирди.

Ушбу масала бўйича университет касаба уюшмаси кўмитаси раиси С.Қ.Қаҳҳоров сўзга чиқиб, қуйидагиларни билдирди. Ахборот технологиялари факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ж.Ж. Атамуродов ўз лавозим мажбуриятларини тўлақонли бажариб, университетнинг рақамли таълим жараёнлари сифатини оширишда шахсий ўрناق кўрсатганлигини эътиборга олиб, удан интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш таклифини қўллаб-қувватлади.

Кенгаш аъзолари ушбу масала бўйича ўз таклиф ва фикрларини билдиришди.

Кенгаш раиси О.Х.Хамидов кенгаш аъзоларидан 2021/2022 ўқув йили қабул жараёнларида йўл қўйган камчиликлари учун Ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Ж.Атамуродовга берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш таклифини очик овоз бериш йўли билан қўл кўтариб тасдиқлаб беришни сўради.

Ҳамма рози, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

4. Ахборот технологиялари факультети декани **Ҳ.И.Эшанқулов**нинг 2021/2022 ўқув йили қабул жараёнларида йўл қўйган камчиликлари учун Ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Ж.Атамуродовга берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
5. Кенгаш аъзоларининг қарорига кўра, Ж.Атамуродовга берилган интизомий жазо (“хайфсан”) унинг олиб бораётган самарали меҳнатини инобатга олган ҳолда муддатидан олдин бекор қилинсин.
6. Ушбу қарор ижро назорати ходимлар бўлими бошлиғи У.А.Файзиева зиммасига юклатилсин.

**7.4.1. Университет ҳисобхона ҳисобчиси Н.Насриевага ректорнинг 2021 йил 30 июндаги 845-Ш-сонли буйруғи билан берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ:** У.Нарзиев (бош ҳисобчи) ҳисобчи Н.Насриевага ректорнинг 2021 йил 30 июндаги 845-Ш-сонли буйруғи билан берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида сўзга чиқиб, ҳисобчи Н.Насриеванинг шу давр мобайнида ўз йўналиши, лавозим мажбурияти, жамоатчилик ишларидаги фаолияти ҳамда унга юклатилган кўшимча топшириқларни ўз вақтида маъсулият билан бажариб келаётганлиги ҳамда 10 ноябрь “Ҳисобчилар куни” муносабати билан унга берилган интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирди.

Ушбу масала бўйича университет касаба уюшмаси кўмитаси раиси С.Қ.Қаҳҳоров сўзга чиқиб, ўз фикрини билдирди.

Жумладан, ҳисобчиси Н.Насриева ўз лавозим мажбуриятларини тўлақонли бажариб, 2021-2022 ўқув йили учун янги қабул қилинган талабаларни рўйхатга олиш, уларнинг шартнома пулларини ҳисоблаш, талабаларнинг банкдан олинган кредит тўловлари учун ҳисоб-варақ фактуралар чиқариб бериш, келиб тушган аризаларга жавоб тайёрлаш, бундан ташқари талабалар ва яқинлари келганда уларнинг мурожаатларига жавоб бериш, ҳафта сўнггида талабаларнинг тўлов-контрактларидан қарздорликлари бўйича маълумотларни факультетларга етказиш, университет ҳисоб рақамига хато келиб тушган пулларни ташкилотларга қайтариш ишларини талаб даражасида олиб бораётганлигини инобатга олиб, удан интизомий жазо (“хайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш таклифини қўллаб-қувватлади.

Кенгаш аъзолари ушбу масала бўйича ўз таклиф ва фикрларини билдиришди.

Кенгаш раиси О.Х.Хамидов кенгаш аъзоларидан ҳисобхона ҳисобчиси Н.Насриевага берилган интизомий жазо (“ҳайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги таклифини очик овоз бериш йўли билан қўл кўтариб тасдиқлаб беришни сўради.

Ҳамма рози, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

7. Университет бош ҳисобчиси У.Нарзиевнинг ҳисобчи Н.Насриевага берилган интизомий жазо (“ҳайфсан”)ни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
8. Кенгаш аъзоларининг қарорига кўра, ҳисобчи Н.Насриевага берилган интизомий жазо (“ҳайфсан”) муддатидан олдин бекор қилинсин.
9. Ушбу қарор ижро назорати ходимлар бўлими бошлиғи У.А.Файзиева зиммасига юклатилсин.

### **7.5. Хорижий профессор-ўқитувчиларни дарс бериш мақсадида университетга жалб қилиш масалалари тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ:** А.Т.Жўраев (Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор) Университет профессор-ўқитувчилари таркибида хорижлик ўқитувчиларнинг ҳиссасини ошириш, хорижий илғор тажрибадан амалда фойдаланиш ҳамда рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилида хориждан камида 25 нафар профессор-ўқитувчини таълим жараёнларига жалб этиш белгилаб олинган эди.

Музокара олиб борилган ва келишувга эришилган хорижлик профессор-ўқитувчилар учун, шунингдек мавжуд эҳтиёжни аниқлаш учун қуйидаги бошланғич ва содда талаблар кўйилди:

- Дарс бериш учун таклиф этилаётган шахснинг бирон ОТМда ишлаши мажбурий эмас. ОТМларда эмас, турли корхона ва ташкилотларда ишлайдиганларнинг рейтингларда юқори ўринларни эгалловчи ОТМлардан олинган PhD ёки номзодлик/докторлик илмий даражалари борлиги муҳимдир. Ҳар бир кафедрада камида 1 та юқори 1000 таликдаги ОТМларда ишловчи ёки илмий даража олган ўқитувчи таклиф қилиниши зарур.

- Таклиф этилаётган шахс хорижда фаолият кўрсатаётган ватандошимиз ҳам бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

- Жаҳон академик рейтингларига ҳаволалар аниқ қилиб берилди.

- Ажратиладиган дарс соати ҳажми 30 соатдан кам бўлмаслиги лозимлиги, ўқитувчининг мамлакатига кўра ҳар бир соат учун 10-15 АҚШ доллари атрофида ҳақ тўланиши маълум қилинди.

- Бириктирилган ўқитувчининг хорижликка ажратиладиган фан ўқитувчиси бўлиши тавсия этилди.

Айни пайтда кафедралар билан келишувга эришган 28 нафар, шу жумладан 11 мамлакатдан жаҳон академик рейтингларида юқори 1000 таликка кирувчи 19 та университет профессор-ўқитувчилари рўйхати шакллантирилди.

Умумлаштириб айтганда, 2021-2022 ўқув йилида университетимизга таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчилар сони **28 нафарни**, улар учун мўлжалланган дарс соатлари ҳажми **1406 соатни**, дарс соатлари учун ўртача сарф-харажатамиз **32.110 минг АҚШ долларига** яқин маблағни ташкил этмоқда. *(Бухоро давлат университетида 2021-2022 ўқув йилида таълим жараёнларига хорижнинг етакчи ОТМ ва ташкилотларидан таклиф этиладиган профессор-ўқитувчилар рўйхати илова қилинади).*

Хорижий профессор-ўқитувчиларни дарс бериш мақсадида университетга жалб қилиш масаласи бўйича

**Сўзга чиқдилар:**

**Кенгаш раиси О.Х.Хамидов** ўз фикрини билдириб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг

мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш, олий таълим даражасини сифат жиҳатдан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мақсадида **хорижий профессор-ўқитувчиларни дарс бериш мақсадида университетга жалб қилиш масаласига** барча факультет деканлари ва кафедра мудирлари алоҳида эътибор қаратиб, жиддий ёндашишларини таъкидлади. 2021-2022 ўқув йилида хориждан жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар рейтинг кўрсаткичи юқори 1000 таликка кирувчи ОТМлардан кўпроқ жалб этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини, ҳар бир кафедрада камида 1 та юқори 1000 таликдаги ОТМларда ишловчи ёки илмий даража олган ўқитувчи таклиф қилиниши зарурлигини билдириб айтиб ўтди.

Хорижий ўқитувчилар учун ажратиладиган иш ҳақи маблағлари учун рухсатни расмийлаштириш учун ОЎМТВга расмий хат билан мурожаат қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилишини ва бу масалага масъуллар жиддий ёндашишларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ушбу масала бўйича **ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ.Жумаев** фикр билдириб, дарс бериш келишувга эришилган хорижий профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномаларини тузиш, дарс жараёнларини зудлик билан бошлашни амалга ошириш зарурлигини ҳамда уларни ишга қабул қилиш бўйича буйруқларни расмийлаштириш, онлайн платформалар учун логинларни тақдим этиш, рейтинг қайдномаларига ўқитувчиларни бириктириш масаласига жиддий қараш зарурлигини масъулларга алоҳида таъкидлаб ўтди.

### **Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, кенгаш қарор қилади:**

5.1. Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор А.Т.Жўраевнинг 2021/2022 ўқув йилида хорижлик ўқитувчиларни таълим жараёнларига жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар бўйича маълумоти ахборот учун қабул қилинсин.

5.2. Келишувга эришилган профессор-ўқитувчилари томонидан дарс жараёнларини бошлаш зудлик билан амалга оширилсин. Бунда ишга қабул қилиш бўйича буйруқларни ўз вақтида расмийлаштириш, онлайн платформалар учун логинларни тақдим этиш, рейтинг қайдномаларига ўқитувчиларни бириктириш муҳимлиги таъкидлансин (муддат: 10 ноябрь, масъуллар: Р.Ғ.Жумаев, А.Т.Жўраев, Ў.У.Рашидов, У.Файзиева, факультет деканлари, кафедра мудирлари, юрисконсулт).

5.3. Хорижий ўқитувчилар учун ажратиладиган иш ҳақи маблағлари учун рухсатни расмийлаштириш учун ОЎМТВга расмий хат билан мурожаат қилинсин (муддат: 15 ноябрь, масъуллар: Ў.У.Рашидов, Режа-молия бўлими).

### **7.6. Ўқув-услубий бошқарма фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида психология (фаолият турлари бўйича) йўналишида таълим олаётган талабаларни 0,5 ставкага услубчи лавозимига ишга тавсия этиш тўғрисида**

**ESHITILDI: Р.Ғ.Жумаев** (ўқув-услубий бошқарма бошлиғи) – кенгаш а'золарига Ўқув-услубий бошқарма фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида психология (фаолият турлари бўйича) йўналишида таълим олаётган 4-курс талабалари Б.Б. Санкулов ва Х.З. Тохироваларни 0,5 ставкага услубчи лавозимига ишга тавсия этиш тўғрисида таклиф билдириб, қуйидагиларни айтиб ўтди.

Ўқув-услубий бошқарма ўз фаолиятини “Ўқув-услубий бошқарма тўғрисида” ги низом асосида амалга оширади. Бугунги кунда Олий таълим олдига қўйилган талабларнинг сезиларли даражада ошиб бораётганлиги ва бунда салоҳиятли кадрларни ишга жалб қилиш заруратининг пайдо бўлганлигини инобатга олиб, шу билан бирга кафедра, деканат билан биргаликда баҳолашнинг амалдаги рейтинг ва кредит-модуль тизимини амалда қўллаш, ўқитиш сифатини назорат қилиш, талабалар ўзлаштириши мониторингини талаб даражасида олиб бориш, факультетлар ва кафедралар билан биргаликда кафедралар ишчи ўқув режалари, фанларнинг ўқув ва ишчи дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, бошқа турдаги ўқув-

услугий хужжатларни кўриб чиқади ва мунтазам янгиланган борилишини мувофиқлаштириш, тавсия этиш ёки тасдиқлаш учун Ўқув-услугий кенгаши ҳамда университет Кенгашига тақдим этиш, университет талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолаш, шунингдек якуний давлат аттестациясини ташкил қилиш, талабалар рейтингини қайд қилишнинг электрон тизими ишлашини таъминлаш ҳамда белгиланган тартибда талабаларнинг рейтинг балли ва тўплаган кредити ҳақидаги маълумотни юритиш каби вазифалар кўламининг ошганлиги сабабли психология (фаолият турлари бўйича) йўналишида таҳсил олаётган 4-курс талабалари - Санкулов Буюрбек Бахтиёржонович ҳамда Тохирова Хумора Завқиевнани 0,5 ставкага услубчи лавозимига ишга қабул қилиш бўйича ўз таклифини билдирди.

Кенгаш аъзолари ушбу масала бўйича ўз таклиф ва фикрларини билдиришди.

Кенгаш раиси О.Х.Хамидов кенгаш аъзоларидан Ўқув-услугий бошқарма фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида психология йўналишида таълим олаётган 4-курс талабалари Б.Б. Санкулов ва Х.З. Тохироваларни услубчи лавозимига ишга тавсия этиш тўғрисидаги таклифни очиқ овоз бериш йўли билан қўл кўтариб тасдиқлаб беришларини сўради.

Ҳамма рози, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, **кенгаш қарор қилади:**

1. Психология йўналишида таълим олаётган 4-курс талабалари – Б.Б. Санкулов ва Х.З. Тохировалар Ўқув-услугий бошқарма услубчи лавозимига 0,5 ҳиссага 2021 йилнинг 2-ноябрдан ишга қабул қилинсин

2. Мазкур қарорнинг ижро назорати ходимлар бўлими бошлиғи У.А. Файзиева зиммасига юклатилсин.

Бухоро давлат университети кенгаши раиси 3-йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинганлигини ва кенгаш ўз ишини якунлаганлигини маълум қилди. Кенгаш ўз ишини тугатди.

Кенгаш раиси

Кенгаш котиби



О.Х. Хамидов

Н.Г. Дилова